

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси инновацияларни
ривожлантириш вазирлиги**

*Қарши муҳандислик-иқтисодий
институт*

Жанубий Федерал университети, Россия

*Ш.Шотемур номли Тожикистон аграр
университети*

*ОТ ФДБТМ Г.В.Плеханов номли Россия
иқтисодий университети Тошкент
филиали*

*М.Ауэзов номли Жанубий Қозогистон
давлат университети*

*Ўзбекистон хотин-қизлар “Olima”
уюшмаси*

Қашқадарё савдо-саноат палатаси

*ОТ ФДБТМ Г.В.Плеханов номли
Россия иқтисодий университети*

*ОТ ФДБТМ Кубан Давлат
университети, Россия*

*Украина биоресурслар ва табиатдан
фойдаланиш миллий университети*

*Белоруссия миллий техника
университети*

*Иқтисодий тараққиёт ва
камбағалликни қисқартириш бош
бошқармаси*

*Қашқадарё вилояти Инвестициялар ва
ташқи савдо бошқармаси*

**«ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ: МУАММО, ТАҲЛИЛ
ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ»**

**Халқаро илмий-амалий анжуман илмий мақолалар
тўплами
20-21 май 2021 й.**

(1-қисм)

Қарши ш.

**Министерство высшего и среднего специального
образования Республики Узбекистан
Министерство Инновационного развития
Республики Узбекистан**

*Каршинский инженерно-
экономический институт*

*Южный федеральный университет,
Россия
Таджикский аграрный университет
им. Ш.Шотемура, Таджикистан*

*Ташкентский филиал ФГБОУ ВО
РЭУ имени Г. В. Плеханова
Южно-Казахстанский университет
им. М.Ауэзова
Ассоциация женщин Узбекистана
«Олима»*

*Управление инвестиций и внешней
торговли Кашкадарьинской области*

*ФГБОУ ВО Российский экономический
университет имени Г.В. Плеханова*

*ФГБОУ ВО Кубанский государственный
университет, Россия
Национальный университет
биоресурсов и природопользования
Украины
Белорусский национальный
технический университет, Белоруссия
Главное управление экономического
развития и сокращения бедности
Кашкадарьинской области*

*Торгово-промышленная палата
Кашкадарьинской области*

**«ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА:
ПРОБЛЕМЫ, АНАЛИЗ И ПЕРСПЕКТИВЫ
РАЗВИТИЯ»**

**Сборник научных статей международной научно-
практической конференции
20-21 мая 2021 г.**

(1-часть)

г. Карши

11. <http://www.lex.uz>. - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
12. www.gov.uz.-Хукумат сайти.

ҲУДУДЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Қурбанов Алишер Бобоқулович - Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти, “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.

Аннотация. В статье рассмотрены тенденции эволюционного развития малого бизнеса и частного предпринимательства. Указаны направления теоретического анализа ученых по категории предпринимательство. Анализируются оценка условий, созданных для предпринимательства, и показатели организационно-экономического развития. Исследован механизм обеспечения экономической и финансовой сбалансированности предпринимательства в регионах и регионах. Также изучается роль хозяйствующих субъектов и их деятельности в инвестиционной политике. Указаны направления решения существующих проблем в сфере предпринимательства за счет прямых и иностранных инвестиций. Принципы предложены на основе инвестиционных направлений предпринимательства.

Ключевые слова: инвестиции, инвестиционная деятельность, внешнеторговый оборот, экспорт, импорт, совместные предприятия, предпринимательство.

Abstract. The evolutionary development trends of small business and private entrepreneurship has been examined in this article. The directions of theoretical analysis of scientists on the category of entrepreneurship are indicated. Assessment of the conditions created for entrepreneurship and indicators of organizational and economic development are analyzed. The mechanism of ensuring economic and financial balance of entrepreneurship in the regions and regions has been studied. The role of business entities and their activities in investment policy is also studied. The directions of solving the existing problems in the field of entrepreneurship through direct and foreign investments are indicated. The principles are proposed on the basis of investment directions for entrepreneurship.

Keywords: investment, investment activity, foreign trade turnover, export, import, joint ventures, entrepreneurship.

Кириш. Бозор муносабатларининг қарор топиши шароитида турли мулк шаклидаги хўжалик субъектларининг юқори иқтисодий самарадорликка эришишга интилиши йўлидаги фаолиятлари талаб ва таклиф, қиймат қонунлари тамойиллари асосида бошқарилиб, бу ҳолат бозорда истеъмолчилар ва ишлаб чиқариш хўжалик субъектлари тўла иқтисодий эркинликка эга бўлишларини тақозо этади. Бозор

иқтисодиётининг эволюцион ривожланишида истеъмолчилар ва ишлаб чиқариш субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар мувозанатини тадбиркорлик таъминлаб келган. Давлатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашуви чегараси қонунчилик, солиққа тортиш даражаси, иқтисодий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатдорлик асосида муносабат юритишга имкон берадиган кичик тадбиркорликка жорий этилган имтиёзлар тизими орқали тартибга солиниши лозим. Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишида рақобатнинг ролини ошириш зарурияти объектив ва қонуний жараёндир. Рақобат ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг иқтисодий эркинлик даражасини кенгайтиради, жами тўловга қобил талабни оширади, капиталнинг ўз-ўзидан ўсиш тенденциясини кучайтиради. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасини тартибга солиш функцияси сақланиб қолиши зарур. Бунга, энг аввало, мамлакат илмий-техникавий ва иқтисодий салоҳиятини тиклаш-да, асосий шарт кичик бизнес фаолиятига аралашмаслик ва мақсадга мувофиқ солиқ сиёсатини юритиш ҳисобланган қулай инвестиция муҳитини барпо этишда кичик корхоналарнинг сезиларли ролини тан олган ҳолда қонунчилик воситасида уларни қўллаб-қувватлаш орқали эришилади.

Материаллар ва усуллар. Дастлабки «тадбиркорлик» категориясининг ифодаси Р.Контильон, К.Бодо, И.Х.Тюнен ва Ф.Найтлар билан боғлиқдир. Биринчи бор «тадбиркорлик» илмий термин сифатида Р.Контильон томонидан киритилган бўлиб, бозор талаби ва таклифи ўртасидаги фарқни, арзон сотиб олиш ва юқори баҳога сотишнинг имкониятларини аниқлаган. Фойда олиш учун ушбу имкониятларни амалга оширувчи инсонларни тадбиркорлар деб билганлар. «Тадбиркорлик»ни Р.Кантильон таваккалчилик шароитида ҳаракат қилувчи киши деб тушуниб, уни бозор имкониятларини кўра билиш, фойда олиш мақсадида таваккалчиликни ўзига олиш йўли билан амалга оширади, деб ҳисоблайди. К.Бадо (физократ) ўзининг хулосаларида ўз замондошларидан ўзиб кетди. У таъкидлайдики, «тадбиркор» маълум интеллектга, яъни турли ахборотлар ва билимларга эга бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

Тадбиркорлик муаммосига ҳозирги иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари асосида тадбиркорликнинг моҳиятини таҳлил қилган ҳолда қуйидаги йўналишларга бўлиш мумкин: Биринчи йўналиш- тадбиркорлик бу фойда олиш учун йўналтирилган мустақил иқтисодий фаолиятдир.

Иккинчи йўналиш – тадбиркорлик фаолиятининг мақсади фойда олишни инкор қилмай, балки тадбиркорлик моҳиятини аниқловчи сифатида, ресурсларнинг янги комбинацияларини амалга оширишда муносабатлар йиғиндисига асосланган ҳолда ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига эришиш ҳамдир[3].

Учинчи йўналиш – тадбиркорлик фаолиятини ресурсларнинг ҳаракатини бошқаришда ижодкорлик зарур, деб ҳисобланади. Уларга Д.В.Бусыгин, В.Д.Камаев, И.Н.Герчикова, Ф.М.Русинов [4] ва бошқаларни

киритиш мумкин. Бу олимларнинг тадқиқотларида тадбиркорлик оддий меҳнат фаолияти эмас, балки ижодий активлик сифатида акс эттирилган.

Ишлаб чиқариш омилларини бирлаштириш тадбиркорлик фаолиятининг асосий моҳияти сифатида А.Маршалл асарларида ривожлантирилган. Тадбиркорлар ёки бизнесменлар кўрсатилган вазифаларни бажариш доирасида бутун хўжалик таваккалчилигини ўзларига оладилар, «ишлаб чиқаришга зарур бўлган капитал ва меҳнатни бирлаштирадилар, ишлаб чиқаришнинг умумий режасини тузадилар ва лойиҳалаштирадилар, унинг қўшимча қисмлари устидан назоратни амалга оширадилар» [5].

Хўжалик юритишнинг мураккаблашуви сари унинг самарадорлигини ошириш ва кишилар эҳтиёжни тўла қондириш мақсадида ташкилий вазифа ишлаб чиқаришдан ажрала бошлайди ва махсус қатлам воситачи-тадбиркорлар даврасига ажралади. А.Маршалл таърифи бўйича тадбиркор кенг маънода менежердир. Менежер вазифасининг ажралиб чиқиши, ушбу билан боғлиқки, «ишчи кучи» юқори даражада тижорат юритишга ихтисослашмаган. Тадбиркорлик назариясининг ривожланишига катта ҳисса қўшган Й.Шумпетер ўзининг иқтисодий ривожланиш концепцияси доирасида Ж.Б.Сэй ва А.Маршалл ғояларини кенгайтирган. У ҳақиқатдан, биринчилардан ғарб иқтисодий назариясида иқтисодий тизимни динамик ва ривожланувчи куч сифатида қаради.

Юқоридаги айтиб ўтилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, тадбиркорлик фойда олиш мақсадида инновация ва таваккалчиликка асосланган ҳолда ресурсларни бирлаштириш ва ҳаракатга келтириш, бошқариш жараёнини ўз ичига олган ишлаб чиқариш, ҳизмат кўрсатиш фаолиятидир[7]. Шунингдек, тадбиркор йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун ресурсларни бирлаштириш жараёнида инвестициялардан фойдаланиш тамойилларини билиш муҳим аҳамиятга эга

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири инвестиция сиёсатини тўғри ташкил қилиш ва йўналишларни аниқ белгилашдан иборатдир. Биринчи галда хорижий инвестицияларни жалб этиш айниқса кичик бизнес хусусий тадбиркорлик корхоналари ҳамда етакчи саноат тармоқларига қаратилиши лозим. Хорижий сармоя иштирокида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, кичик бизнес корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин[9]. Буларнинг барчаси мамлакатимиз иқтисодиётига ички инвестицион манбаалар ва хорижий сармояларни жалб этиш муаммоларини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва уларни ҳал этиш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда асосий йўналишларни белгилашдан иборатдир. Ҳозирги босқичда Ўзбекистондаги энг муҳим вазифа - иқтисодий барқарорлаштириш сиёсатини иқтисодий ўсиш сиёсати билан боғлаш бўлиб, бу ҳол инвестиция фаолиятини кучайтиришни талаб

килади. Ушбу масалани ҳал қилиниши молиявий-иқтисодий қийинчиликларни енгишга, мамлакат иқтисодиётининг кенг кўламда таркибий қайта қуришга, бирламчи бошқариш тузилмаларида қулай ишлаб чиқариш муҳитини яратиш муаммосини ҳал қилишга, аҳоли турмуш даражасини оширишни таъминлашга имкон беради.

Натижалар ва мунозаралар. 2019 йил – «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да кенг камровли иқтисодий ислохотлар негизини ташкил этган мақсадларга эришишда олдимизга қўйилган 10 та устувор вазифалар қаторидан ўрин олган иқтисодиётимиз ривожининг муҳим шарти бўлган фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш вазифасини амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Бу борада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори жорий йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилади. натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилади[1]. Бироқ, иқтисодиётга жалб этилаётган ва ўзлаштирилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг ўсиб боришига эришилаётган бўлсак-да, аммо, у амалда уларга бўлган талаб ва уларни қабул қилиш салоҳияти даражасида эмаслиги бу борадаги сиёсатни янги босқичга олиб чиқиш асосида янада фаол ва изчил давом эттириш зарурлигини тақозо этаётир. Буни BCG экспертларининг берган баҳолари тасдиқламоқда. BCGнинг «Марказий осийёга инвестициялар: бир минтақа, кўплаб имкониятлар» маърузаси муаллифлари Марказий осийё глобал тушкунлик ўсиб бораётган шароитда инвесторлар учун янги маскан бўлиши мумкин, деб ҳисобламоқда. Улар минтақанинг ноҳомашё соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритиш салоҳиятини 40–70 млрд. доллар деб баҳолашмоқда. BCG ҳисоб-китобига кўра, Қозоғистон ноҳомашё соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш ҳажмини 32–52 млрд. долларга ошириши мумкин. Марказий осийёда инвестицион салоҳият бўйича етакчи учликдан Ўзбекистон (7–13 млрд. доллар) ва Қирғизистон (1,3–2 млрд. доллар) ҳам ўрин олган[13]. Қуйидаги расмда Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган фаол инвестиция сиёсати натижасида иқтисодиётга жалб этилган инвестициялар ҳажми ва динамикаси келтирилган. Қашқадарё вилоятида 2019 йилда иқтисодиётга жалб этилган инвестиция 189924,3 миллиард сўмни ташкил қилиб, 2002 йилга нисбатан 124 марта, 2012 йилга нисбатан 7,7 марта, 2018 йилга нисбатан 1,5 мартага ошган. Бунинг натижасида ташқи иқтисодий фаолият ҳам бирмунча фаоллашди. Жумладан ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Жумладан, Қашқадарё ташқи савдо айланмасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2019 йилда 29,4 фоизни ташкил қилиб, кенги беш йилда икки баробардан отиқ ошган. Шунингдек, инвестициялаш натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, ялпи ички маҳсулотдаги улуши кейинги беш йилда 10 фоизга ошган.

Инвестиция жараёнларини фаоллаштириш вазифаси тегишли тартибга солувчи воситаларни шакллантиришдан иборат бўлиб, бу воситаларсиз бозор муносабатларини ривожлантириш сари табиий ҳаракатни амалга ошириб бўлмайди. Инвестиция сиёсати миллий иқтисодиёт, тармоқлар ҳамда ҳудудлар ривожланиши билан уйғун бўлсагина ўзининг кутилган самарасини беради. Инвесторларнинг ҳудудлар раънақига пул тикиши учун уларга қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратиш бугунги кунда ниҳоятда долзарб масаладир.

Аммо шуни айтишимиз лозимки, 2019 йилнинг январь-декабр ойларида Қашқадарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан иқтисодиётга киритилган инвестициялар жами инвестициялардаги улуши 12 фоизни ташкил қилиб, 2015 йилга нисбатан 2,1 фозга камайганлигини кўришимиз мумкин. Бу тадбиркорлик субъектларида молиявий – иқтисодий базасининг камлигини англатади. Аммо кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши кейинги беш йил давомида 12,7 фоизга ошганлигини куришимиз мумкин. Шунингдек, экспорт ва импорт ҳажми ҳам ошган. Бу шуни кўрсатдики, йирик саноат корхоналари ва ҳамда хорижий инвестициялар ҳажми ошиб бормокда [14].

Кейинги йилларда давлат бюджети томонидан бир қатор йирик ишлаб чиқариш мажмуалари молиялаштирилмокда. Жумладан, Бозор иқтисодиётни шароитида давлат миллий иқтисодиётимиз учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи объектларни молиялаштирилган. Хусусийлаштиришнинг кенгайиши ҳамда хусусий секторнинг ривожланиб бориши билан давлат бюджети маблағлари ҳисобига инвестициялаш камайиб боради. Бундай ҳолларда бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам давлат бюджети томонидан тиббиёт, фан маданияти, маориф ва бошқа ижтимоий соҳалар лойиҳалар молиялаштирилади ҳамда бу мақсадга мувофиқдир. Бунга мисол кейинги пайтларда мамлакатимизда кенг миқёсда курилиб фойдаланиш топширилаётган тиббиёт муассасалари, таълим муассалари, уй-жой курилиши ва бошқаларни келтириш мумкин. Жумладан, 2018 йилда Қашқадарё вилоятида асосий капиталга киритилган инвестициялар 15321.1 милрд. сўмни ташкил қилиб, 2015 йилга нисбатан 3 баробар ошган. Шундан ноишлаб чиқаришга сарфланган инвестициялар жами инвестицияларда 30 фоизни ташкил қилиб, 2015 йилга нисбатан икки баробарга ошган. Қашқадарё вилоятида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоғига 70 фоизга яқин инвестициялар жалб этилган.

Юқорида санаб ўтилган маблағлар манбаидан корхоналар ишлаб чиқаришини барпо қилишда йирик саноат корхоналарини модернизация ёки техник - технологик жиҳатдан янгилашда, кичик корхоналарда айланма маблағларини кўпайтиришда фойдаланиш мумкин. Ҳозирги кунда кўпгина корхоналарни моддий жиҳатдан кўллаб қувватлаш мақсадида давлат томонидан субсидиялар ва бошқа ёрдам маблағлари ажратилмокда. Давлат томонидан олиб борилаётган кўллаб-қувватлаш сиёсати асосида

корхоналарга, айниқса эндиgina иш бошлаган хорижий инвестицион ёки бошқа турдаги кичик ва ўрта корхоналарга солиқ имтиёзлари бериши ҳам алоҳида аҳамият касб этмокда. Корхоналар мана шу имтиёзли давр мобайнида солиқ тўловларини амалга оширмайдилар ва шу сўммаларни ўз ишлаб чиқаришларини кенгайтиришга йўналтирадилар.

Бундан ташқари корхоналар ўзларига кераксиз бўлган асосий восита ва бошқа мулкларни сотиш ёки ижарага бериш орқали ҳам кўшимча маблағларга эга бўлишлари лозим. Инвестиция лойиҳаларини турли хил манбалар ҳисобига молиялаштиришда банк кредитлари алоҳида аҳамият касб этади. Шунини ҳисобга олиб, мамлакатимизда банк тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмокда.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида аҳоли маблағлари инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг зарур манбаи ҳисобланади. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозорининг риножланганлиги аҳоли маблағлари тўғридан тўғри инвестицияларга йўналтириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Вилоятда ҳам қимматли қоғозлар бозори шаклланиб бормокда аҳолининг бўш пул маблағларининг жамғариш тижорат банкларида амага оширилмокда ва ушбу жамғарма маблағлари кўпроқ қисқа муддатди кредит ишига йўналтирилмокда. Шунини айтиш керакки вилоятимизда чет инвестицияси киритилган корхоналар сони 2020 йилда 192 бирликни ташкил қилиб, 2015 йилга нисбатан 4,2 баробар ошган. Қашқадарё вилоятида хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 2020 йилда 2015 йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги (9 марта), саноат (3,2 марта), қурилиш (10 марта), қурилиш (3,8 марта), ташиш ва сақлаш соҳаси (4 марта) ўсган [3].

Хулосалар. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда инвестиция жараёнларини фаоллаштириш вазифаси тегишли тартибга солувчи воситаларни шакллантиришдан иборат бўлиб, бу воситаларсиз тадбиркорликни ривожлантириш сари табиий ҳаракатни амалга ошириб бўлмайди. Инвестиция сиёсати миллий иқтисодиёт, тармоқлар ҳамда ҳудудларда тадбиркорлик ривожланиши билан уйғун бўлсагина ўзининг кутилган самарасини беради. Инвесторларнинг ҳудудлар раванқига пул тикиши учун уларга қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратиш бугунги кунда ниҳоятда долзарб масаладир. Шу ўринда инвестицион жараёнларни таҳлил қилиш ва амалга оширишда келажақда иқтисодий ривожланишга асос бўлувчи инвестиция йўналишларига урғу бериш керак.

Фикримизча, инвестиция деганда кўп қиррали фаолиятни тушуниш лозим ва у бўш бўлган молиявий маблағларни келажақда моддий ва молиявий бойликни яратувчи тадбиркорлик субъектларига сарфлашни ифодалайди. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тижорат банкларининг ва давлатнинг ҳудудий инвестиция билан боғлиқ кўп қиррали фаолияти, тадбиркорларнинг ўз маблағлари, аҳоли маблағларининг моддий ва молиявий бойликларни яратадиган объектларга сарфланадиган молиявий ресурсларни шакллантириш лозим.

Худудларда тадбиркорлик субъектларига инвестиция жалб қилиш йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- чет эл сармояси тақсимоли;
- хорижлик ишбилармонлар учун жозибадор имконият;
- лойиҳалар ва ҳамкорлик;
- механизмни такомиллаштириш зарурати;
- молия оқимини кўпайтириш.

Юқоридаги йўналишлардан келиб чиққан ҳолда ҳудудий инвестицион сиёсатни амалга ошириш тамойиллари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

➤ иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга, минтақаларда кўп укладли иқтисодиётни, шу жумладан, кичик тадбиркорликни шакллантиришга, товар, меҳнат ва капиталнинг умумдавлат ва ҳудудий бозорлари ҳамда институционал ва бозор инфратузилмаси шаклланишига кўмаклашиш;

➤ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнидан жуда ҳам катта фарқларни камайтириш, уларда аҳоли фаровонлигини оширишнинг ўз иқтисодий базаларини мустаҳкамловчи шароитларни босқичма - босқич яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти шавкат Мирзиёевнинг олий Мажлисга Мурожаатномаси. // <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasy-28-12-2018>.

2. Турсунов Имамназар Эгамбердиевич, Курбанов Алишер Бобокулович. Инновационные подходы развития предпринимательства // International Journal of Innovative Technologies in Economy. 2018. №5 (17).

3. Экономика и организация рыночного хозяйства в России. - М.: Прогресс, 1995. - 155 с.

4. Русинов.Ф.М. Возражения предпринимательство в России. Майкоп: 1999 27-28 с.

5. Маршалл А. Принципы экономической науки. Пер. сангл. – М.: Прогресс, 1993. - 377 с.

6. Курбанов Алишер Бобокулович. Роль малого бизнеса в инновационной деятельности // Economics. 2020. №1 (44).

7. Bobokulovich, Kurbanov Alisher, and Jalilova Nigora Mavlonovna. "The Role Of Small Business In The National Economy." *The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research* 2.07 (2020): 95-98.

8. Kurbanov Alisher Bobokulovich, Alimova Munisa Yulchiyena. Prospects for the development of fruit and vegetable enterprises. JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal ISSN No: 2581 - 4230 VOLUME 6, ISSUE 12, Dec. -2020

9. Khamrayeva Sayyora Nasimovna, Kurbanov Alisher Bobokulovich, Fayziyeva Shirin Shodmonovna. Thinking Design an Effective Way to Shape and Develop Innovations. International Journal of Advanced Science and Technology Vol. 29, No. 7, (2020), pp. 7954-7960.